

# ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ: БЕШАРИҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КҮПАЙТИРИШ, ЯНГИ ИШ ҮРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ КЕРАК

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Бешариқ тумани Бўстон МФЙда тадбиркорлар ва инвесторлар томонидан амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди.

“Lux Yan Tex” МЧЖ пахтачилик кластерининг 239 млрд. сўмлик ип-игириув фабрикаси, бундан ташқари мато тўқиши, мато бўяши, ёғ ишлаб чиқариш, чорвачилик комплекси лойиҳалари ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

“Дружба ун комбинати” МЧЖ хорижий корхонасининг умумий қиймати 3 млн. АҚШ доллари бўлган ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси борасида ахборот берилди.

Вилоят ҳокими, шунингдек, Ворух дашт МФЙда қурилиши белгиланган “Фарғона Ясин қурилиш моллари” МЧЖ томонидан 1 трлн. 209,4 млрд. сўмлик цемент ишлаб чиқариш лойиҳасини тезроқ йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Ўрганишлар давомида вилоят ҳокимига Бахмал МФЙ ҳудудида тумандаги мавжуд саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш лойиҳалари юзасидан ҳам маълумот тақдим этилди.

Ҳозирда туманда “Ворух Даشت”, “Бахмал”, “Новкат” кичик саноат зоналари ҳамда “Тараққиёт” ёшлар кичик саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, уларга тадбиркорлар ўз ишлаб чиқарышларини жойлаштиришмоқда.

Хусусан, “Бахмал” кичик саноат зонасида асфальт ишлаб чиқариш, шифер, оҳак, мих каби қурилиш моллари, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Коммуникация тармоқлари тортиш ишлари якунланяпти.

Вилоят ҳокими саноат зоналарига тадбиркорларни янада кўпроқ жалб қилиш, уларга ишлаб чиқаришни йўлга қўйишгacha бўлган жараёнда ҳар томонлама амалий кўмак бериш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-01-23 16:14:34